

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Тошкент архитектура-қурилиш

институтини ректори

Эржан Каҳя _____

“ _____ ” _____ 2021 й.

**18.00.01 - “Архитектура назарияси ва тарихи. Архитектура
ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш”**

ихтисослиги бўйича (PhD) таянч докторантурага

кириш имтихонлари

ДАСТУРИ

Тошкент - 2021

Дастур Тошкент архитектура-қурилиш институти Кенгашида кўриб чиқилган ва 2021 йил 28 октябрдаги 1–сонли мажлис баёни билан маъқулланган.

Дастурни тузувчилар:

арх.ф.д., доцент Маматмусаев Т.Ш.
арх.ф.н., профессор Пўлатов Х.Ш.

Ушбу дастур “Архитектура тарихи ва назарияси” кафедрасининг 2021 йил 14 сентябрдаги 2-сон мажлисида кўриб чиқилган.

“Архитектура тарихи ва назарияси”
кафедраси мудири

Шоисоев И.К.

КИРИШ

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, мафкуравий - маънавий соҳаларда тараққиёт ҳамда янгиликларнинг ўзига хос ва ўзига мос йўлини танлади. Мамлакатимиз ўтган қисқа вақт мобайнида улкан ютуқларга эришди. Ватанимизда соғлом, осойишта ижтимоий муҳит, сиёсий барқарорлик вужудга келиб, фуқароларимизга ўз қобилият ва истеъдодларини намоён қилиш, бунёдкорлик билан шуғулланишлари учун кенг имконият яратилди.

Ушбу дастур “Архитектура” ва “Қишлоқ ҳудудларини архитектура лойиҳавий ташкил этиш” таълим йўналишлари бўйича “Архитектура тарихи ва назарияси”, “Ўзбекистон янги архитектураси”, “Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта қуриш”, АНТАЁТ 5А 340102 мутахассислиги бўйича “Ўзбекистон архитектура ёдгорликлари”, “Архитектура шакллари уйғунлаштириш ва безаш” каби фанларни камрайдди. Дастур мустақиллик йиллари қайта қурилган шаҳарлар, йирик меъморий обидалар, майдонлар, жамоат бинолари, турар жойлар, муҳандислик иншоотларининг услубий ва бадиий маҳорати тавсифини ҳамда истиқлол йилларидаги ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг архитектура ва шаҳарсозлик билан ўзаро боғлиқлигини ифода этади.

Республикамизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш тажрибаси, оқилона ва одилона ички ҳамда ташқи сиёсати, танлаган йўли – ривожланишнинг «Ўзбек модели» номи билан дунёга танилди. Истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб миллий анъаналаримизга асосланган янги давлатчилик назарияси, миллий тикланиш ғояси ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон – қадимги тамаддун, бой маданий мерос ва юксак архитектура анъаналарига эга мамлакат. Унинг кўплаб катта ва кичик шаҳарларининг ёши минг йилларни ташкил этади. Ўзбекистон ҳукумати ва ЮНЕСКО қарори билан 1997 йилда Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллиги, 2001 йилда Термизнинг 2500 йиллиги, 2006 йилда Қаршининг 2700 йиллиги, Шаҳрисабзнинг 2700 йиллиги, 2007 йилда Самарқанднинг 2750 йиллиги, 2009 йилда эса Тошкентнинг 2200 йиллиги кенг тантана қилинди. Бунёдкор ўзбек халқига унут бўлган тарихий обидалари қайтарилмоқда. Шўролар даврида улар йўқотиб юборишга маҳкум этилган эди. Миллий маданиятимиз дурдоналарига нисбатан олиб борилган иккиюзламачилик сиёсати ҳамма жойда кўзга ташланарди – ҳатто қадимги ғиштлардан фойдаланиш мақсадида кўплаб ёдгорликлар бузиб ташланди, ҳувиллаб қолган мадраса ва масжидларнинг кўпчилиги омборларга, идораларга шунингдек камоқхоналарга айлантирилган эди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз шаҳарларининг талай меъморий шаҳарсозлик лойиҳалари амалга оширилди. Шаҳарларнинг марказлари, уларнинг тарихан шаклланган “эски шаҳар” қисмлари қайта тикланди. Ноёб жамоат бинолари, замонавий меҳмонхоналар, мактаблар ва лицейлар, спорт мажмуалари қад кўтарди, бозорлар янгиланди, яқка тартибдаги лойиҳалар бўйича турар-жой уйлари қурилишида катта имкониятлар очилди. Охириги йилларда бутун мамлакат транспорт инфраструктурасини қайта тиклаш ва ривожлантиришга айрича эътибор берилди. Йўллар, кўприклар ва бошқа муҳандислик иншоотлари барпо этилди. Жаҳон бозори билан қулай ва энг қисқа йўл орқали алоқа ўрнатишга интилиш Ўзбекистон Республикасининг стратегик жиҳатдан муҳим вазифаси бўлиб қолди. Мазкур масалани ҳал этишда мамлакат раҳбарияти танлаган йўл – тарихан юзага келган Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш ва ривожлантириш йўли амалда тўла рўёбга чиқарилмоқда.

Дарҳақиқат, меъморчилик – халқнинг тарихий ёдгорлиги бўлиб, у аксар ҳолларда меъморнинг ижодий илҳоми жўш урганда яратилади. У аждодлар орзу-умидларидан, жамият кўзгуси сифатида ўтмишдаги ва ҳозирдаги ҳар бир даврнинг меъморий қудратидан дарак беради. Бунда ўзига майда-чуйда ғояларни, бадиий ютуқларни – замонасининг ижодий-эстетик ғояларини сингдириб олган моддий-кенглик муҳити алоҳида аҳамият касб этади, халқ ғурурининг негизи ва кучини ташкил этади ҳамда асрлар оша унинг бебаҳо мулки бўлиб қолади. Шу нуқтаи назардан XX–XXI асрлар боши Ўзбекистон меъморчилиги тадқиқоти мутлақо илмий-амалий аҳамиятга молик ҳисобланади, зеро вақт ўтмишдошлар билан елкама-елка туришни, ворислик уфқларини кенгайтиришни тақозо этади, халқ мулкини, ўтмишининг ижобий тажрибасини ва замонавий меъморчилик ютуқларини ҳар тарафлама фикрлаш ва ўзлаштиришни талаб қилади. Бунда шаҳарсозлик муаммолари ва янги маънавий идеалларга, ижтимоий буюртма имкониятларига таянувчи замонавий иншоот меъморий қиёфасини яратишнинг янги воситалари биринчи даражали аҳамият касб этади.

Дастур олти бўлимдан иборат бўлиб, уларнинг кетма–кетлиги умумийдан–хусусийга, қадимдан–ҳозирги кунги тамойили асосида таъминланган. Ўрта Осиёга, биринчи навбатда Ўзбекистонга устивор эътибор берилган.

Дастурнинг мақсад ва вазифалари

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958-сон Фармонида ва Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 304-сон қарори билан тасдиқланган “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисида”ги Низом талабларини бажариш мақсадида тузилди.

Ихтисослик фани бўйича кириш имтихонида талабгорнинг қуйидаги жиҳатлари баҳоланади: назарий ва касбий тайёргарлиги даражаси, унинг ушбу фаннинг шаклланиш ва ривожланиш тарихи, умумий концепциялари ва методология масалалари, манбалари, шу билимлар тармоғининг асосий назарий ва амалий муаммоларини қай даражада билишини аниқлаб бериши, унинг соҳага оид илмий адабиётларни, жумладан хорижий даврий нашрларни ҳамда илмий тадқиқотларнинг замонавий усулларини қай даражада эгаллаганлиги.

Талабгор тегишли фан соҳаси ривожининг ҳозирги аҳволи, муаммолари ва истиқболларини, унда ўтказётган тадқиқотнинг ўрни, янгилиги ва аҳамиятини билишини кўрсатиб беришини назарда тутди.

Ушбу дастур архитектура тарихи, назарияси, меъморий ёдгорликларни таъмирлаш ва сақлаш бўйича илмий-педагогик кадрлар тайёрлашга қаратилган бўлиб, 18.00.01– “Архитектура назарияси ва тарихи. Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш” мутахассислиги бўйича таянч докторантурага киришда муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан, архитектурашунос, таъмиршунос, архитектуравий меросни ўрганиш ва уларни сақлаш бўйича мутахассислардан, уларнинг юқори даражадаги билим ва касбий малакаларга эга бўлишлиги, таъмирлаш билан боғлиқ илғор усулларини пухта ўрганишлари, бу борада, айниқса, замонавий инновацион технологияларни, архитектуравий ёдгорликлардан замонавий мақсадларда фойдаланиш усулларини пухта билишларини талаб этилади.

Дастурнинг мақсади - кадрларга замонавий талабларни кўзда тутиб, таянч докторантурага кирувчиларнинг архитектура назарияси ва тарихи, магистратура мутахассислиги фанлари, архитектура ва шаҳарсозлик тарихи, архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта қуриш курслари бўйича билимларини объектив баҳолашдан иборат.

Имтихон дастурига қуйидаги йўналишлар киради: Санъат тарихи, Архитектура тарихи, Шаҳарсозлик тарихи, Ўрта Осиё архитектураси тарихи, Янги архитектура тарихи (Чет эл янги архитектураси, Ўзбекистон ва МДХ мамлакатлари архитектураси), Архитектура назарияси ва тарихи,

Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта қуриш, Ўзбекистон архитектура ёдгорликлари, Архитектура шаклларини уйғунлаштириш ва безаш.

Дастур мақсади – талабгорларда архитектура назарияси, тарихи ва шаҳарсозликнинг янги босқичдаги услуб ва йўналишлари бўйича кўникма ва малака даражасини аниқлашдан иборат. Дастурнинг вазифаси – замонавий меъморчилик асосларини ўрганиш, энг йирик меъморлар ҳаёти ва ижодини таҳлил этиб, уларнинг ютуқларидан унумли фойдаланиш, ҳамда бой тарихий анъанавий услубларимиз орқали замонавий ўзбек архитектурасини ривожлантиришдан иборат.

1-БЎЛИМ: САНЪАТ ТАРИХИ

Умумжаҳон санъати. Ибтидоий жамоа тасвирий фаолияти. Қадимги Шарқ ва Эгей дунёси санъати. Антик дунё санъати. Қадимги Ўрта Шарқ санъати. Ўрта асрлар санъати. Уйғониш даври санъати. XIV – XVII асрлар рус санъати. XVII аср Ғарбий Европа санъати. XVIII – XIX асрлар 1 – ярми санъати. XIX аср 2 – ярми – XX аср санъати. Ўрта Осиё санъати. Ўрта Осиёнинг ибтидоий жамоа давридаги санъати. Антик даври меъморчилик санъати. Ўрта Осиёнинг илк ўрта асрлар (VI – VIII асрлар) санъати. IX – XIII асрлар санъати. Темур ва темурийлар даври (XIV – XV асрлар) санъати. Ўрта Осиёнинг XVI–XX бошларидаги санъати. Ўзбекистон, МДҲ давлатлари санъати. Истиқлол йиллари санъати.

2-БЎЛИМ: АРХИТЕКТУРА ТАРИХИ

Ибтидоий жамоанинг қурилиш фаолияти. Қадимги Миср архитектураси. Қадимги Икки дарё оралиғи архитектураси. Эллинизм архитектураси. Қадимги Рим архитектураси. Византия, Киев давлати ва Россиянинг XIV–XVII асрлар архитектураси. Ўрта ва Яқин Шарқ ўрта асрлар архитектураси. Ҳиндистоннинг ўрта асрлардаги архитектураси. Хитой ва Япониянинг ўрта асрлар архитектураси. Ғарбий Европанинг романикаархитектураси. Ғарбий Европанинг готика архитектураси.

Уйғониш даври архитектураси. Уйғониш архитектурасинингилкдаври. Уйғониш архитектурасининг юксалган даври. Уйғониш архитектурасининг сўнгги даври. Уйғониш архитектурасининг сўнгги даврида сарой – боғ санъатининг ривожланиши. Барокко архитектураси. Барокко услубининг бошланғич даври. Юксалган барокко архитектураси. Франция ренессанси даври. Франция классицизми даврлари. XVII асрнинг 1 – ярмидаги Франция

архитектураси. XVII асрнинг 2 ярмидаги Франция архитектураси. Франциянинг XVIII аср архитектураси. Франциянинг XIX аср архитектураси.

3-БЎЛИМ: ШАҲАРСОЗЛИК ТАРИХИ

Шаҳарсозлик тарихининг умумий тавсифи. Қадимги Шарқ мамлакатлари шаҳарсозлиги. Қадимги Миср, Олд Осиё шаҳарлари. Қадимги Ўрта Шарқ. Эрон, Бақтра шаҳарлари. Қадимги Ҳиндистон ва Хитой шаҳарсозлиги. Қадимги Ўрта Осиё шаҳарсозлиги: Авеста, Шимолий Парфия, Шимолий Бақтра, Суғд, Хоразм, Чоч, Паркана шаҳарлари.

Антик даврдаги шаҳарсозлик: Эгей дунёси, Қадимги Юнонистон, эллинизм Қадимги Рим шаҳарсозлиги. Ўрта асрлар шаҳарсозлиги: Византия, Ғарбий Европа мамлакатлари, Ғарбий Европанинг XV-XVII асрлардаги шаҳарсозлиги: Уйғониш, Барокко ва Классицизм даврлари. Киев давлати Қадимги Русия шаҳарлари. Яқин ва Ўрта Шарқнинг ўрта асрлардаги шаҳарлари. Ўрта Осиёнинг илк ўрта асрлар ва ривожланган ўрта асрлар шаҳарсозлиги.

XVIII-XIX аср 1-ярмидаги шаҳарсозлик: Ғарбий Европа (Франция, Олмония, Англия), Русия ва Шимолий Америка шаҳарсозлиги. Ўрта Осиёнинг шу даврдаги шаҳарсозлиги. XIX 2-ярми - XX бошидаги шаҳарсозлик: Ғарбий Европа (Франция, Германия, Англия), Россия ва Шимолий Америка шаҳарсозлиги. Ўрта Осиёнинг шу даврдаги шаҳарсозлиги.

4-БЎЛИМ: ЎРТА ОСИЁ АРХИТЕКТУРАСИ ТАРИХИ

Ўрта Осиёнинг архитектураси тарихининг умумий тавсифи. Илк давр меъморчилиги: энг илк (м.а.VIII асргача) ва илк (м.а.VIII-IV а.) босқичлари. Қадимги (аҳмонийлар) ва илк антик ва кушонлар даври меъморлиги (VI-VIII) асрлар. IX-X асрлар меъморчилиги. XI-XII асрлар меъморчилиги. Бу даврдаги асосий меъморий мактаблар. XIII-XIV аср ўртасидаги меъморчилик. Амир Темур даври меъморчилиги. Темурийлар (XV а.) меъморчилиги. XVI аср 1-ярми меъморчилиги. Абдуллахон (XVI аср 2-ярми) ва Аштархонийлар (XVII а.) меъморчилиги. XVIII-XIX аср ўртаси давридаги меъморчилик: Бухоро амирлиги, Хива хонлиги ва Қўқон хонлиги меъморчиликлари. XIX асрнинг охири – XX аср бошидаги меъморчилик: янги қурилиш ашёлари, конструкциялари, янги типдаги бино ва иншоотлар. Анъанавий меъморчиликдаги ўзгариш. Мисоллар, Европа услубида қурилган бино ва иншоотлар. Уларда маҳаллий меъморчилик унсурларини қўлланиши. Ўрта Осиё меъморчилиги ривожининг умумий якунлари.

5- БЎЛИМ: ЯНГИ АРХИТЕКТУРА

Чет эл янги архитектураси. Чет эл замонавий архитектурасининг шаклланиши ва вужудга келган шарт-шароитлари. XIX аср мобайнида шаҳарлар тараққиётида Янги тенденцияларнинг пайдо бўлиши. Архитектура янгиликлари марказининг Англиядан Америкага кўчиши. Чет эл архитектурасининг Биринчи жаҳон урушидан кейинги давр. XX аср – 20-30 йиллардаги архитектура. Биринчи жаҳон урушидан кейинги Франция сиёсий – иқтисодий аҳволи. 30-йилларнинг бошларида Англияда янги архитектура ғояларининг тарқалиши. В.Гропиус. Иккинчи жаҳон уруши оралиғи давридаги АҚШ архитектураси. Қурилиш техникаси ва қурилиш ишлаб чиқариш воситаларининг кескин ривожини натижасида урушдан кейинги даврда янги архитектура шакллари тарқалиши. XX аср 50 - йилларнинг 2-ярмида Райт бошқарган “Узвий меъморлик” йўналишига бўлган қизиқиш ва рационализм архитектурасига кўрсатилган қарама-қаршиликлар. XX асрнинг 20-йилларида экспрессионизмнинг тикланиши ва унинг урушдан кейинги даврда тараққий этиши.

Ўзбекистон ва МДХ мамлакатлари архитектураси. XIX-XX асрлар. Ривожланиш давлари: 1865-1917, 1917-1932, 1932-1954, 1954-1977, 1977-1991, 1991-2008. Тасмасимон ва ихчам шаҳар режаларининг келиб чиқиши ва уларни XVII-XX асрлардаги эволюцияси. Ўзбекистоннинг икки қисми шаҳарлари ва уларни бирлаштиришга қаратилган илк чоралар. Ишчилар шаҳарчалари ва ишчилар турар жойларини биринчи лойиҳалари, «Хлопстрой» ва К.В. Бабиевскийнинг турар жойлари, Самарканднинг коммуна уйи ва Тошкентнинг коммуна квартали, Тошкентнинг ошхона-фабрикалари, турмуш умумлаштиришидаги ютуқлар ва камчиликлар. Урбанизм ва дезурбанизм концепциялари ва А.А. Сильченковнинг Тошкентни биринчи қайта режалаштириш лойиҳаси. “Миллий услуб” яратишга қаратилган назарий ва амалий асарлар. Биринчи техникум ва университетлар, биринчи театр ва Халқ уйлари. М.Я. Гинзбургнинг “миллий меъморлик” назарияси ва уни Ўзбекистон ва Қозоғистонда қўлланганлиги. Меъморлик Академиясини тузиш, Москва бош режаси ҳақида Қарор, Тошкентнинг 1930-йилларда яратилган бош режалари ва ансамбллари. 1930-1950 йиллардаги тарихий шаҳарларни “чегаралаш” ва “портлатиш” концепциялари. Радиал-ҳалқасимон режалаштиришни тарқалиши. 1939-1954 йилларда яратилган Кутин, Озеров-Рачинская ва Мерпорт секциялари. Тошкент М.С. Булатовнинг 1949-йил режасидан А.П.Бушуевнинг 1960-йил башоратигача. “Шарқ+классика” услуби 1932-1954 йиллар назария ва амалиётида: А.В.Щусев эклектика ва Темурийлар ҳақида, Б.Н.Засыпкин “Ватан” кинотеатри услуби ҳақида, Э.Лаченс ордерлар ҳақида. Ортиқчаликка

қарши 1954-йил Қарори, янги лойиҳалаштириш институтлари, ДСКлар. Навоий ва Зарафшон янги шаҳарлари, Тошкент метроси. Европадан келтирилган микрорайон концепциясининг ўзгартирилиши. 1960-1980 йилларнинг тезқатнов йўлларида турар жойлар ва ижтимоий бинолар мажмуаларининг ва ориентир биноларининг шаклланиши. 1950-1980 йилларининг Ўзбекистон меъморий услубларидаги интернационал, регионал ва миллий йўналишлари. ТашЗНИИПнинг 1970-1980 йиллар турар жойларида ўтказган социологик ва микроиклимий текширувларининг натижалари. Турар жойлар ҳудудларининг (жилые районы) ва йирик режалаштирилган ҳудудларнинг (планировочные районы) шаклланиш муаммолари Собиқ СССР ва Ўзбекистон Республикасининг “Қурилиш меъёрлари ва қоидаларида”. Ўзбекистон шаҳарлари режаларини ривожлантириш келажаклари ва тарихий шаҳарларини улардаги ўрни.

6-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИ МЕЪМОРЛИГИ

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви ва миллий тараққиёт йўлига дадил қадамлар билан кириб бориши шаҳарсозликда халқ меъморлик меросидан ўрнатқ олиб, маҳаллий шароитларга мослик, кўркам ва шинамлик, жаҳон андозаларидан қолишмаслик каби қатор жиҳатлар эътибор марказида бўлишини тақозо этади. Ўзбекистон архитектура ва шаҳарсозлигининг янги босқичдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт билан боғлиқлиги. Шаҳарсозлик ва архитектура бўйича Ўзбекистон Республикасининг қатор Фармон ва қарорлари. Шаҳарсозлик: Қадимий шаҳарларнинг янги қиёфаси, уларнинг бош режалари. Шаҳар марказларининг қайта қурилиши, янги шаҳарлар ва уларнинг тараққиёти.

Йирик маъмурий ва жамоат бинолари архитектураси: Олий Мажлис, оқсарой мажмуаси, Тошкент шаҳар хокимлиги биноси, темурийлар тарихи давлат музейи, вилоятлардаги йирик жамоат бинолари, банклар, меҳмонхоналар ва ҳ.к. Оммавий жамоат бинолари архитектураси: касб-ҳунар коллежлари, лицейлар, спорт ва савдо-сотик иншоотлари ва ҳ.к. Турар жой бинолари архитектураси: кўпқаватли, камқаватли, хусусий муҳандислик иншоотлар архитектураси: аэропортлар, темирйўл вокзаллари, метро, йўллар, кўприклар. Боғ-роғ ва ландшафт архитектураси. Ўзбекистон истиқлол меъморчилигида санъатлар уйғунлиги, халқ усталари ва рассомлар ижоди. Назарий услублар ва йўналишлар. Меъморий услубларининг мустақиллик йилларидаги янгиланиши.

7-БЎЛИМ. АРХИТЕКТУРА НАЗАРИЯСИ

Тарихий архитектура назарияси. Қадимги Шарқ архитектура назарияси. Қадимги Юнон назарияси - Гипподам. Эллинизм даври назарияси – Афлотун. Қадимги Рим назарияси – Витрувий. Ўрта асрлар Шарқ назарияси - Фаробий, Бузжоний. Уйғониш даври назарияси – Виньола. Барокко даври назарияси – Палладио. Классицизм назарияси – Перре. XVIII-XX асрлар назарияси, Франция - Виолле-ле-Дюк. XVIII-XX асрлар назарияси, Англия – Говард. XVIII-XX асрлар назарияси, Германия – Земпер. XVIII-XX асрлар назарияси, Россия – Баженов, Жолтовский. XVIII-XX асрлар назарияси, Россия - И. Грабарь. XIX-XX асрлар назарияси, Франция - Ле-Корбюзье. XIX-XX асрлар назарияси – Германия. XIX-XX асрлар назарияси - Б.Засыпкин, М.Булатов. XIX-XX асрлар назарияси - П.Зоҳидов, К.Крюков.

Тектоника ва бадият: анъанавий тектоник воситалар. Ордерлар тизими. Тоқравоқлар конструкцияси. Рационал ва иррационал нисбатлар. Анъанавий бадий воситалар: наботий безак, гириҳ, ҳаттойи нақшлар.

8-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН АРХИТЕКТУРА ЁДГОРЛИКЛАРИ

Архитектура ёдгорликлари тўғрисида таъриф. Ёдгорликларнинг турлари. Алоҳида ҳажм шаклларидаги ёдгорликлар. Мажмуа сифатидаги ёдгорликлар. Тарихий шаҳарлар. Тарихий шаҳарларга оид халқаро ҳужжатлар. Меъморий мерос ва архитектура ёдгорликлари. Ибораларнинг мазмунан ўзаро яқинлиги ва фарқи. Обидаларни муҳофаза қилиш тарихи ва муаммолари. ЮНЕСКО нинг меъморий ёдгорликлар ва тарихий шаҳарлар тўғрисидаги фаолияти. Маданий мерос департаменти фаолияти. Ер ости ёдгорликлари. Уларни ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари. Қадимшуносларнинг архитектура тарихини ўрганишдаги роли. Ўзбекистондаги тош ва бронза даврларига оид ёдгорликлар. Илк темир даврига оид ёдгорликлар. Антик даврдаги ёдгорликлар. Энг илк ўрта аср ёдгорликлари. Деворий суръатлар ва ҳайкалтарошлик асарларини муҳофаза қилиш муаммолари. Ўзбекистон архитектурасининг IX–XIII асрларига оид ёдгорликлари. Мисоллар: Сомонийлар мақбараси ва бошқалар. Бу давр ёдгорликларида олиб борилган таъмирлаш ишлари. Бухоро намозгоҳи – икки қатламли ёдгорлик. Меъморий обидалардаги ўймакорлик намуналари ва уларни сақлаш муаммолари. Сопол, ёғоч ва ганч ўймакорлик намуналари ва улардаги таъмирлаш ишлари. Ўзбекистон архитектурасининг XIV–XVII асрларга оид ёдгорликлари. Сиркор безак турлари ва уларни тайёрланишига оид маълумотлар. Сиркор безакларни ўрганиш. Хатаба ва унинг аҳамияти. Кошинпазликни тиклаш борасидаги тажрибалар. Амир Темур ва Улуғбек

даврларидаги ёдгорликлар. Уларда олиб борилган таъмирлаш ишлари. Шайбонийлар давридаги ёдгорликлар ва уларда олиб борилган таъмирлаш ишлари. Устун–тўсинли ёдгорликлар. Синчли обидаларни сақлаш муаммолари. Ўзбекистон халқ архитектураси, уларни муҳофаза қилиш ишидаги ўзига хослик. Турар уйлар намуналари. Файзулла Хўжаев уйининг таъмирланиши. Тоқ–гумбазли ёдгорликлар. Уларнинг намуналари. Халқ меъморлиги обидаларини таъмирлаш ва қайта қуриш мисоллари.

9-БЎЛИМ. АРХИТЕКТУРА ШАКЛЛАРИНИ УЙЎНЛАШТИРИШ ВА БЕЗАШ

Гармония тушунчаси. Антик давр талқини. Табиат гармонияси. Архитектура - давр кўзгуси. Гўзаллик ҳақидаги тушунча ўзгариши. Мувозанат, мутаносиблик. Одам – гўзаллик ва гармония меъёри. Пропорция – табиат ва жамият тараққиётининг узвий белгиси. Пропорцияга оид атамалар моҳияти ва мазмуни. Одам ва архитектура, одам ва шаҳар. Одам ва тасвирий санъат. Табиатдаги оддий ўзгариш, рационал ва иррационал миқдор, сонлар қатори ва моҳияти. “Олтин кесим” нисбати ва моҳияти. Динамик квадратлар ва олтин кесим. Фибоначчи қатори. Пропорцияга оид геометрик қонуният. Архитектурада пропорциянинг аҳамияти. Учбурчак, олтибурчак, саккизбурчак шакллар силсиласи. Миср эҳромлари – пирамидалар тузилишида квадрат, учбурчак ва доира шакллари. Модулнинг ҳандасавий ва амалий аҳамияти. Модулнинг келиб чиқиши, тизими. Модулнинг келиб чиқиши, тизими. Витрувий назарияси ва хатолари. Модул–миқёс Ўзбекистон меъморий меъросида. Жаҳон адабиётидаги шу соҳага тегишли тадқиқотлар. Ўрта аср олимларининг меъморий гармонияга алоқадор математик назариялари (Ал Фаробий, Ал Хоразмий ва бошқалар). Ўрта Осиё архитектурасига хос таркибий элементлар, уларнинг номи ва келиб чиқиши. Халқ меъморлари ижодида кузатилган равоқ ва гумбаз яшаш усули ва услублари. “Улгитарх” – гармония қонуниятлари асосида бино лойиҳасини тузиш усули. Тарх, тарз, тахмин, режа, торий, айн марказ, устма-уст жойлашган тарх, тарз ва бошқа шакллар. П.Ш.Зоҳидовнинг “Канон гармонии в архитектуре” ва “Зеб ичра зийнат” асарларидаги “улгитарх” қонуниятларини ўрганиш. М.Булатовнинг “Геометрическая гармонизация в архитектуре Средней Азии” асаридаги ҳандасавий таҳлилларини ўрганиш. В.Филимонов, И.Ноткин, К.Крюковларнинг пропорция ҳақидаги фикр мулоҳазаларини ўрганиш. Ўрта Осиё архитектурасидаги безак турлари ва уларнинг ривожланиш тарихи. Тарихий безакларни тиклашдаги муаммолар.

Имтихонларни баҳолаш мезонлари

Имтихонлар билет бўйича ёзма шаклда ўтказилади. Билет 4 саволдан иборат бўлади. Талабгор жавоб тайёрлаш учун имтихон варақаларидан фойдаланади. Ёзма имтихон натижалари бўйича комиссия аъзоларининг ҳар бири ўз баҳосини комиссия раисига маълум қилади. Комиссия раиси умумий баҳони ўрта арифметик равишда чиқаради.

Талабгорнинг билим даражаси 100 баллик тизимда бутун сонлар билан баҳоланади. Бунда баҳолаш “аъло” (86–100), “яхши” (71–85), “қониқарли” (55–70), “қониқарсиз” (0–54) кўринишида бўлади. Ихтисослик фани бўйича кириш имтихонини ёзма тарзда топширганда талабгор дастур доирасида мустақкам, чуқур билимларини намоён этган тақдирдагина ижобий баҳо қўйилади. Ҳар бир саволнинг баҳоси максимал 25 балл билан баҳоланади.

Ёзма иш саволларига берилган жавобларни баҳолаш қуйидаги мезон талаблари асосида амалга оширилади:

Ёзма иш жавобларига қўйиладиган талаблар	Баҳолаш баллари
Ҳар бир саволларга жавобларни баҳолаш мезонлари – максимум 25 баллгача	
а) берилган саволларни тўлиқ билса, унинг моҳиятини тушунса, у бўйича ижодий фикрлай олса, тасаввурга эга бўлса, мустақил мушоҳада юрита олса, назарий масаларни амалиёт билан боғлай олса, саволнинг назарий ва амалий жиҳатларини тўлиқ очиб бера олса, хулоса ва қарор қабул қилса, ўз фикрини тўлиқ, равон баён қила олса	86-100
б) берилган саволларни етарли даражада билса, унинг моҳиятини тушунса, савол юзасидан тасаввурга эга бўлса, мустақил мушоҳада юрита олса, назарий масалаларни амалиёт билан боғлай олса, саволнинг назарий ва амалий жиҳатларини етарлича очиб бера олса, ўз фикрини етарлича, равон баён қила олса	71-85
в) берилган саволларни қисман билса, у тўғрисида тасаввурга эга бўлса, унинг моҳиятини тушунса, савол бўйича ўз фикрини баён қила олса	55-70
г) берилган саволларни яхши билмаса, у тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлмаса, ўз фикрини тўлиқ баён қила олмаса	0-54

**18.00.01 - “Архитектура назарияси ва тарихи.
Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш”
ихтисослиги бўйича саволлар**

1. Бухородаги савдо-сотик мажмуалари типологияси.
2. Ўрта Осиё сардобалари хусусида маълумот беринг.
3. Амир Темурнинг Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида ўрнатилган ҳайкалларига изоҳ беринг.
4. Ўрта Осиёда Илк (мусулмон) ренессанс даври архитектураси.
5. Мирзо Улуғбек даври меъморлиги.
6. Холчаён саройи меъморлиги.
7. Бухоро амирлиги меъморчилиги (Бола–Ҳовуз, Арк, Чор минор).
8. Ўрта аср шаҳарларининг схематик тузилиши.
9. Масжидларнинг типологияси ва уларга хос хусусиятларни ёритинг.
10. Будда ибодатхоналари ва унинг иншоотлари.
11. Меъморий таъмирнинг беш турига изоҳ беринг.
12. Ўрта Осиёда хонликлар даври архитектураси (XVI-XVIII асрлар).
13. Панжикент саройининг интерьер ечими ва деворий суратлари.
14. Қадимги шаҳарсозликда шаҳар девори ва дарвозалари.
15. Меъморчиликда санъат турлари.
16. Самарқанддаги Мирзо Улуғбек расадхонасининг меъморий ечими.
17. Ўрта Осиёда гумбазларнинг вужудга келиши ва тараққиёти.
18. Ўрта аср меъморчилигида эпиграфик орнаментларнинг қўлланилиши ва уларнинг турлари.
19. Амир Темур ва темурийлар даври архитектураси.
20. Сиднейдаги Опера театри биносининг меъморий қиёфаси (Йорн Утсон, 1956).
21. Сўғдиёнанинг илк ўрта асрлар санъати (Афросиёб, Панжикент деворий суратлари).
22. Ўрта Осиё минораларининг турларига мисол келтиринг.
23. Баухауз архитектура мактабининг фаолияти.
24. Мадрасалар типологияси.
25. Готика услуби ва Антонио Гауди ижоди.
26. Меъморчиликда пештоқнинг юзага келиши.
27. Туроннинг мил.авв.ги V-I асрлар санъати (Айртом, Холчаён).
28. Бухоро Аркининг меъморий ечими.
29. Ўрта Осиёда фаолият юритган меъморий мактаблар.
30. Меъморчиликда ёғоч ўймакорлиги санъатининг ривож.
31. Самарқанддаги Регистон майдонининг шаклланиши ва ривожланиши.

32. Замонавий меъморликнинг анъанавий халқ санъати билан уйғунлашган услуби.
33. Самарқанддаги Гўри Амир мақбараси архитектураси.
34. Илк ўрта асрларда Мовароуннаҳр архитектураси.
35. Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейи муносабати билан қайси тарихий обидалар қайтадан тикланди? Мисоллар келтиринг ва изоҳ беринг.
36. Бобурийлар даври архитектураси ва санъати (Ҳиндистон).
37. Тошкент метроси йўналишлари ва архитектураси.
38. Меъморчиликда майдон-мажмуаларнинг вужудга келиши.
39. Темурийлар тарихи музейи архитектураси.
40. Ўзбекистон Миллий академик драма театрининг меъморий-композицион ечимини изоҳлаб беринг.
41. Милодий I- IV асрларларда Ўрта Осиё меъморлиги.
42. Ўзбекистоннинг замонавий меъморчилигида анъанавий шакллари қўллаш амалиёти.
43. Қадимги Туроннинг антик даврдаги шаҳарлари.
44. Оскар Нимейер ижоди.
45. “Интерконтинентал” меҳмонхона мажмуасининг меъморий-композицион ечимига изоҳ беринг.
46. Истиклол йилларида Шаҳрисабз шаҳрининг тарихий қисмида амалга оширилган қайта қуриш ишлари.
47. Самарқанддаги Шоҳи-Зинда ансамблида мустақиллик йилларида олиб борилган таъмирлаш ишлари.
48. Хива миноралари архитектураси.
49. Кушонлар даврида Эски Термиз ҳудудида жойлашган манзилгоҳлар меъморлиги.
50. Сомонийлар мақбараси архитектураси.
51. Ўрта аср боғларининг схематик ечими.
52. XIX асрнинг иккинчи ярмида икки тузилмали шаҳарларнинг шаклланиши (Тошкент ва Самарқанд мисолида).
53. Сополлитепа манзилгоҳи архитектураси.
54. Калон минорасининг архитектураси ва конструктив ечими.
55. Самарқанддаги Бибиҳоним масжиди ва мақбарасининг меъморий ечими.
56. Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри архитектураси.
57. Карвонсаройларнинг типологик ечими.
58. Ўрта Осиёда ўрта асрларда шаклланган мажмуасозлик назарияси.
59. Бухородаги Ситораи Моҳи Хоса саройи архитектураси.
60. Истиклол йилларида Сузук ота мажмуасида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари.

61. Қадимги Шарқ архитектура назарияси.
62. Қадимги Юнон назарияси – Гипподам.
63. Эллинизм даври назарияси – Афлотун.
64. Қадимги Рим назарияси – Витрувий.
65. Уйғониш даври назарияси – Виньола.
66. Барокко даври назарияси – Палладио.
67. Классицизм назарияси – Перре.
68. XIX-XX асрлар назарияси, Франция - Ле-Корбюзье.
69. XIX-XX асрлар назарияси - Б.Засыпкин, М.Булатов.
70. XIX-XX асрлар назарияси - П.Зоҳидов, К.Крюков.
71. ЮНЕСКО нинг меъморий ёдгорликлар ва тарихий шаҳарлар тўғрисидаги фаолияти.
72. Маданий мерос департаменти фаолияти.
73. Ўзбекистондаги тош ва бронза даврларига оид ёдгорликлар.
74. Ўзбекистонда жойлашган антик даврдаги ёдгорликлар.
75. Сиркор безак турлари ва уларни тайёрланишига оид маълумот беринг.
76. Синч конструкцияси ҳақида маълумот беринг.
77. Гармония-уйғунлик ҳақида маълумот беринг.
78. Квадрат ва динамик квадрат ҳосилалари.
79. Архитектурада модул-миқёс.
80. Халқ меъморлари ижодига хос “Улгитарх” қонунияти.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва меъёрий ҳужжатлар

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2016. - 56 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017. - 48 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. www.lex.uz.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августдаги “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги 269-П – сонли Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4730 – сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2019 йил 30 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти фаолиятини ташкил этиш ҳамда моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга оид айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 265-сонли Қарори.
8. Ўзбекистон Республикасининг шаҳарсозлик кодекси. Т.: 2002 й

2. Илмий адабиётлар

1. Architecture. Form. Space.Order. Fransis D.R. Ching.New York John Wiley&Sons.Ins.2014.
2. Абдуллаев Н.Ж. Санъат тарихи, Т. 2, Т.:, 2002.

3. Абдуллаев Ш.Н. Архитектура тарихи. I-қисм. Т., 2018.
4. Абдурашидов К.С., Кабулов Ф.Р., Рахманов Б.К. Инженерные проблемы архитектурных памятников. Т.: 2011 й.
5. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. Т.: 2015.
6. Асқаров Ш.Д. Архитектура Узбекистана и стран СНГ. – Санъат // 2012.
7. Асқаров Ш.Д. Генезис архитектуры Узбекистана. 2014.
8. Бакирхонов Ф. Ф. Ўзбекистон Республикаси шаҳарсозлик кодекси — шаҳарсозликни ривожлантиришнинг қонуний асосидир. “Ўзбекистон архитектураси ва қурилиши”, № 1, 2002, б. 10-11.
9. Зияев А.А. Ташкент. I-III части. Т.: 2009.
10. Кадырова Т.Ф. Пути архитектурного возрождения Узбекистана за XX – нач. XXI вв. Монография. Т.: 2007.
11. Маматмусаев Т.Ш. Мирзо Улуғбек даври архитектураси. Монография. Тошкент: ТАҚИ, “АҚИМ” ШК, 2014.
12. Маматмусаев Т.Ш. Ўзбекистон тарихий шаҳарларининг типологик ривожланиши. Монография. -Тошкент: “Фан ва технология”, 2019.
13. Нурмухамедова Ш.З. Закономерности и стилевые особенности архитектуры Узбекистана античного периода. Монография. Ташкент. 2018.
14. Po'latov X. Sh. Arxitektura bezaklarini ta'mirlash. Т., 2007.
15. Po'latov X.Sh.va boshqalar. Arxitektura yodgorliklarini ta'mirlash. Darslik. Т., 2009.
16. Пўлатов Х.Ш. Архитектура ва шаҳарсозлик тарихи. Ўрта Осиё Архитектураси. Ўқув қўлланма, ТАҚИ: 2000.
17. Пўлатов Х.Ш., Маматмусаев Т.Ш. Шаҳарсозлик ёдгорликларини қайта қуриш. Монография. Тошкент: “Фан ва технология”, 2007.
18. Пўлатов Х.Ш. Шаҳарсозлик тарихи. ЎУМ. 4-5-6-7 қисмлар. Т.-2012.
19. Пўлатов Х.Ш. Ўзбекистон архитектура ёдгорликлари. Ўқув қўлланма. ТАҚИ, 2003.
20. Салимов А.М. Сохранение и использование памятников архитектуры Узбекистана. Т., 2009.
21. Саломова Х.Ю. Меъёрнинг фалсафий моҳияти ва амалий аҳамияти. Бухоро: 2018.
22. Саломова Х.Ю., Тўлаганов А.А. Шарқ архитектурасида гўзаллик ва меъёр. Бухоро: 2019.
23. Uralov A.S., Mamatmusayev T.Sh. Arxitektura shakllarini uyg'unlashtirish va bezash. Т.: 2015.
24. Уралов А.С., Юсупов Р. Ўрта Осиёнинг ўтмишдаги таълим-тарбия ва илм-фан масканлари. Самарқанд-2005.
25. Уралов А.С., Ҳаққулов А.Ғ., Абдураимов Ш.М. Архитектура

- ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта тиклаш тамойиллари. Самарқанд: 2020.
26. Уролов А.С. Архитектура лечебно – целебных учреждений Центральной Азии и стран зарубежного мусульманского Востока. Самарқанд, 2004.
27. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-12 т. Т., 2000-2006.
28. Ўролов А.С. Меъморий шаклларни уйғунлаштириш ва безаш. Самарқанд - 2003.
29. Ўролов А., Низомов Ш. Обидалардаги меъморий уйғунлик ва конструктив яхлитлик. Ўқув қўлланма. Т.: ТАҚИ, 2009.
30. Қодирова Т.Ф. XXI аср бўсағасида Ўзбекистон архитектураси. “Ўзбекистон архитектураси ва қурилиши”, №1, 2000, б. 2-5.
31. Қодирова Т.Ф. Ўзбекистоннинг замонавий меъморчилиги. Ўқув қўлланма. Т.: 1995.
32. Қодирова Т.Ф. Ўзбекистоннинг истиқлол йиллари меъморчилиги. Т. 2004.

3. Қўшимча адабиётлар

1. Аҳмедов М.Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги. Т.: 1995.
2. Булатов М.С. Геометрическая гармонизация в архитектуре Средней Азии IX-XV вв. М., 1978.
3. Всеобщая история архитектуры. М.: 1 – 2, 8 том, 1980.
4. Зоҳидов П.Ш. Канон гармонии в архитектуре. Т., 1982.
5. Зоҳидов П.Ш. Меъмор олами. Т. 1996.
6. Маньковская Л.Ю. Типологические основы зодчества Средней Азии (IX – начало XX в.). Т., 1980.
7. Саваренская Т.Ф. История градостроительного искусства. М.:1984.
8. Қодирова Т.Ф. Навоий – Навои. Т.:2000.

4. Ахборот манбаалари:

1. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали.
2. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
3. www.ima.uz (O`zbekiston Respublikasi Intellektual mulk agentligi)
4. www.academy.uz (Fanlar akademiyasi)
5. www.centrasia.uz
6. www.arx.novosibdom.ru
7. www.zarnews.uz
9. www.ZiyoNET.uz

